



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

www.uzbovozi.uz

info@uzbovozi.uz

№50

2025-yil
17-dekabr, chorshanba

1918-yil
21-iyundan chiqra boshlagan



ТАҚДИМОТ

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС – ВАҚТ ИЗМИГА БЎЙСУНМАС АБАДИЙ ҒОЯ

Ўтган ҳафтада мамлакатимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида юз берган муҳим янгиликлардан бири, шубҳасиз, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида покистонлик журналист ва ёзувчи Муҳаммад Аббос Хоннинг "Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс – тараққиёт концепти" номли китобининг ўзбек тилидаги нашри тақдироти бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, вазирликлар, идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт соҳаси намояндалари иштирок этган бу тадбир жамиятимизда катта резонанс берди, десак янглишмаймиз.

► (Давоми 2-бетда)

ТУРИЗМ



ЎЗБЕКИСТОН — САЙЁҲЛАР ОШИҚАДИГАН ФУСУНКОР ЗАМИН

Бугунги кунда одамлар оддий дам олишдан кўра, табиат қўйнида ором олишни, баҳаво, соя-салқин жойларда ҳордиқ чиқаришни, ҳақиқий ҳаётни ҳис қилишни исташмоқда. Табиат бағрида бўлишнинг ўзгача гашти ҳам бор аслида. Чунки инсон табиат бағрида ўзини тетик ва бардам ҳис қилади, атроф-муҳитдан, сув ва тоза ҳаводан баҳра олади.

Яна бир жиҳати, ҳозир одамлар шунчаки диққатга сазовор жойларга экскурсия қилишдан ташқари саёҳат давомида маҳаллий аҳолининг табиати ва маданияти билан танишишни ҳам хоҳлаяпти.

► (Давоми 3-бетда)

САРҲИСОБ

РАҚАМЛИ ҲУКУМАТ:

БЮРОКРАТИЯДАН ХОЛИ, ШАФФОФ ВА ОЧИҚ

Рақамли дунёда яшаймиз. Инсон ақл-идроки маҳсули бўлган илғор технологиялар ҳаётимизни қулайлаштирмоқда. Кундалик турмушимиздан тортиб, касбий фаолиятимизгача уларнинг ўрни ва аҳамияти сезиларли ошди. Бугун барча жабҳада шиддатли таъсир кучига эга бўлиб бораётган рақамли технологиялар ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ривожланиш суръатини бир неча баробарга тезлаштириб юборди. Биз деярли ҳар куни уларнинг янгидан-янги имкониятлари ҳақида янгиликларга дуч келямиз.

► (Давоми 4-бетда)

ПАРЛАМЕНТДА



ХДП ФРАКЦИЯСИ КАМЧИЛИКЛАРГА КЎЗ ЮММАЙДИ

► (Давоми 2-бетда)

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”НИ ВАРАҚЛАЙМИЗ...

Аёллар дафтари... Тасаввурингизга шунчаки дафтар, рўйхат, рақамлар келдими? Аслида эса ундай эмас. Бу умид дафтари, у ердаги ҳар бир исмининг ортида катта ҳаёт, бир олам орзулар бор. Тақдир синовларига дуч келган, қийинчиликларга бош эгган, аммо синмаган аёллар бор. Улар оиласи, фарзандлари, келажаги учун тинимсиз курашаётган мард аёллардир.



Жамиятда эшитилмайдиган овозлар бўлади. Улар баланд эмас, лекин оғир. Кимдир зўравонликка учраган, кимдир моддий қийинчиликлар гирдобига. Кимдир эрта турмуш ўртоғидан айрилган, кимдир эса депрессия, руҳий чарчоқ. “Аёллар дафтари” уларнинг овозини эшитади, дардини тинглайди ва унга ечим топади.

► (Давоми 7-бетда)

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА



ЭНДИ "O'zbekiston ovozi" ГАЗЕТАСИГА

CLICK ВА Payme

ИЛОВАЛАРИ ОРҚАЛИ
ОБУНА БЎЛИШИНГИЗ
МУМКИН.

Мурожаат учун телефон: (71) 239-12-14

ОБУНА ИНДЕКСИ – 220

ПАРЛАМЕНТДА

ХДП ФРАКЦИЯСИ КАМЧИЛИКЛАРГА КЎЗ ЮММАЙДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямизнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Депутатлар дастлаб Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2025 йилнинг тўққиз ойидаги ижроси ҳақидаги ҳисоботни муҳокама қилди.



Бюджет ҳисоботида айтилишича, 2025 йилнинг 9 ойида ялпи ички маҳсулот (ЙИМ) 7,6 фоизга ўсиб, унинг ҳажми 1 304 трлн сўмни ташкил этган. Инфляция даражаси йил бошига нисбатан 5,1 фоизни (2024 йилда – 6,8 %), йиллик инфляция эса 8 фоизни (2024 йилда – 10,5%) ташкил қилган. Аҳоли жон бошига ЙИМ ҳажми 34,5 млн сўмга етиб (2 702 АҚШ долл), ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,6 фоизга ошган.

2025 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий харажатлар учун Давлат бюджетидан 125,5 трлн сўм ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17,6 трлн сўмга кўп маблағ ажратилган. Мазкур харажатлар одамларнинг ҳаёт сифатини ошириш, ижтимоий адолатни таъминлаш ва барқарор ривожланиш тамойилларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Фракция аъзолари ҳисоботда партия дастурий мақсадларида устувор деб қараладиган соҳаларга ажратилган маблағларга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, болалар нафақаси, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари учун 9 936,2 млрд сўм маблағ ажратилган.

Республика бўйлаб 4,5 миллион нафар фуқаро даромадли меҳнат билан банд бўлган, ишсиз ва даромадини ошириш истагида бўлган 185 минг нафар фуқаро касб-хунарга ўқитилган.

Ҳисоботни муҳокама қилиш жараёнида айрим масалаларда депутатлар масъулларга

саволлар беришди, қатъий позицияларини билдиришди.

Депутатимиз Одиложон Иминов мамлакатимизда профессионал таълимни ривожлантириш борасида катта ишлар қилинаётган бир пайтда бу йўналишга ажратилган маблағ олий таълимга ажратилган маблағдан икки баробар кам эканини таъкидлади.

Вазирлик масъули ўз изоҳида биринчи навбатда олий таълимда кадр тайёрлаш профессионал таълимда кадр тайёрлашга нисбатан анча қимматлигини, ҳозирги кунда профессионал таълим соҳаси тўлиқ трансформация қилинаётгани ва 2026 йилдан бошлаб бу йўналишга харажатлар сезиларли даражада ошириб борилишини билдирди.

Фракциямиз аъзоси Шокиржон Аҳмедов субсидиялар масаласига тўхталиб, давлат деярли ҳар бир соҳага субсидия ажратаётгани, лекин ажратилган субсидиялар натижасида яратилган иш ўринлари ёки бюджетга қанча тушум бўлаётгани ҳақидаги таҳлилий маълумотлар етишмаётганини таъкидлади. Депутат масъуллардан ўтган йилларга нисбатан таққослаш ва самарадорлик ҳақидаги маълумотларни тақдим этишни сўради.

Депутатимизнинг саволига вазирлик томонидан субсидияларнинг тури кўп эканлиги, лекин ҳозирда барча субсидиялар битта платформага

бирлаштирилаётгани, шундан кейин натижалар ва самарадорликни баҳолаш осон бўлиши билдирилиб, жорий йил бўйича натижалар фракцияга тақдим қилиниши қайд этилди.

Фракциянинг яна бир аъзоси Анвархон Темиров Давлат бюджети ижроси ҳақидаги ҳисобот парламентга анча кечикиб киритилгани, оқибатда берилаётган саволлар, фикр ва таклифлар долзарблигини йўқотиб бораётганини тушунтирди. Иқтисодиёт ва молия вазирининг мутасадди ўринбосари маълум сабабларга кўра бу йилги ҳисобот кечиккани, кейинги ҳисоботларда албатта муддатларга амал қилинишини билдирди. Шуларга асосан Ҳукумат ҳисоботи маъқулланди.

Йиғилишда «Экологик тоза ҳудудларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланиши ҳамда бир марталик пластик маҳсулотларни олиб кириш ва сотиш тартибга солиниши

муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

ХДП фракцияси аъзолари мазкур қонун лойиҳасининг мақсади қўллаб-қувватланишини таъкидлаган ҳолда, уни амалга ошириш механизмлари, аҳоли ва тадбиркорлар учун юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий оқибатлар етарлича аниқ ва асосли белгиланмаганига эътибор қаратди. Айниқса, бир марталик пластик маҳсулотларга чекловлар жорий этишда аҳолининг кам даромадли қатламлари манфаатлари инobatга олиниши зарурлиги таъкидланди.

«Фармацевтика фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси

муҳокама қилинди.

Депутатлар дори-дармон нархларининг баландлиги, импортга юқори даражада қарамлик ҳамда маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари сифатини назорат қилиш масалалари хали ҳам долзарблигича қолаётганини қайд этишди. Қонун лойиҳаси дори воситаларининг ҳақиқатан ҳам арзонлашувиға ёки уларнинг сифати ошишиға қай даражада хизмат қилиши юзасидан қўшимча асослар сўралди.

Мажлисида айрим қонун лойиҳалари бўйича ҳужжатлар сифатсиз тайёрлангани, баъзи лойиҳалар бўйича белгиланган тартибларга амал қилилмаганлиги таъкидланиб, масъулларга эътирозлар ҳам билдирилди.

Фракциямиз қонун лойиҳалари юзасидан яқдил қарорлар қабул қилди.

**ЎзХДП Марказий Кенгаши
Ахборот хизмати.**

ТАҚДИМОТ

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС – ВАҚТ ИЗМИГА БЎЙСУНМАС АБАДИЙ ҒОЯ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Муҳаммад Аббос Хон Покистон Ислон Республикасининг “Daily Ittehad” газетаси Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларидаги махсус мухбиридир. Муаллифнинг таъкидлашича, бадий-публицистик жанрда ёзган ушбу асарида жаҳон миқёсидаги давлат ва сиёсат арбоби Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояси маърифат, тинчлик ва мулоқот каби қадриятларга асосланган буюк ўзгаришлар лойиҳаси экани кўрсатиб берилган.

Муаллиф сўнгги йилларда Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришларни изчил таҳлил қилади. Ислохотлар фақат иқтисодий ёки сиёсий соҳалар билан чекланиб қолмаётгани, балки жамият тафаккурида ҳам туб бурилиш ясаётгани алоҳида таъкидланади. Очиқлик сиёсати, фуқаролар фаоллигининг ошиши, илм ва таълимга бўлган муносабатнинг янгиланиши Учинчи Ренессанс ғоясининг амалий ифодаси сифатида талқин этилади.

“Менинг назаримда, – деб ёзади Муҳаммад Аббос Хон ўз асарида,



– инсоният тарихида давлат ёки империянинг мавжудлигидан ҳам барқарорроқ нарсас бор. Бу – буюк ғоялар. Улар тарихнинг йўналишини ўзгартириб, келажакни шакллантира оладиган қудратли куч ҳам ҳисобланади. Ана шундай ғоялардан бири – Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатда Учинчи Ренессанс пойдеворини

барпо этиш ғояси, деб биламан. Зеро, Учинчи Ренессанс ғояси – вақт измига бўйсунмас абадий ғоядир. Менинг наздимда мазкур ғоя инсон тафаккурининг бемисл уммонига қўйилувчи қудратли дарёга ўхшайди. Фикримча, бу ғоя нафақат Ўзбекистон келажаги учун асос, балки янги, янада уйғун ва самарали дунёни шакллантиришнинг инновацион

моделли ҳамдир”.

Асарда Ўзбекистон миллий давлатчилик ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига оид қатор мисоллар келтирилади.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, асарнинг илк тақдими жорий йил октябрь ойида Ислонбодда бўлиб ўтган эди. Покистонлик сиёсатчи ва илмий экспертларнинг фикрича, ёзувчи Муҳаммад Аббос Хон қаламига мансуб бу асар ва унда илгари сурилган фикрлар, талқинлар нафақат Покистонда, балки Европа ва бошқа мамлакатларда ҳам юқори баҳоланмоқда. Эндиликда бу асар урду тилидан таржима қилиниб, ўзбекзабон ўқувчилар қўлига ҳам етиб боргани мамнуният бағишлайдиган жиҳатдир.

– Мен кўп йиллардан буён Ўзбекистонда яшайман, – деди Муҳаммад Аббос Хон. – Халқингиз билан доимий мулоқотдаман. Бу юртда кечаётган шиддатли ислохотлар мени жуда илҳомлантиради. Ўзбекистонда улкан ижобий ўзгаришлар кечаяпти ва улар ўзининг натижасини кўрсатмоқда.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.**



ТУРИЗМ

ЎЗБЕКИСТОН — САЙЁҲЛАР ОШИҚАДИГАН ФУСУНКОР ЗАМИН

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Шунинг учун туризм, экотуризм энг керакли ва аҳамиятли соҳага айланмоқда. Ўзбекистон эса саёҳатлар учун жуда бой имкониятларга эга. Масалан, қадим тарихдан сўзловчи обидаларимиз, мамлакатимизнинг табиий гўзалликлари, бетақрор гўшаларига қизиқиб, уларни ўз кўзи билан қўриш истагидаги сайёҳлар сони тобора ошиб бормоқда.

Бундан неча асрлар аввал аждодларимиз томонидан яратилган обидалар, қадамжолар тарихнинг ҳақиқий кўзгуси-ку. Тасаввур қилинг, Чорвоқ — дам олиш, тоғ сайри ва соф ҳаво, Зомин миллий боғи — табиат қўйнидаги ҳақиқий оромгоҳ, Нурота тоғлари — қадимий қишлоқлар ва табиий манзаралар, Қизилқум — чўл ҳаётини ҳис қилиш имконияти... Бу жойларга борган инсон табиатни кўради, ҳис қилади ва қадрлай бошлайди.

ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА ИЧКИ ЎСИШ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА...

Кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз, охириги йилларда Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Президентимиз раҳбарлигида туризмин иқтисодийётнинг муҳим тармоғи сифатида ривожлантириш, хизматлар сифатини ошириш ва инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича кенг қўламли чоралар амалга оширилмоқда.

Айтайлик, кўп давлатлар учун визасиз ёки соддалаштирилган виза тартиби жорий этилди. Туризм соҳаси учун янги имтиёзлар ва субсидиялар берилмоқда. Янги йўللار қурилмоқда, меҳмонхоналар кўпаймоқда. Янги дам олиш масканлари очилмоқда, сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифати оширилмоқда. Буларнинг барчаси сайёҳлар учун яратилган катта қўлайликдир. Шунинг учун Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар сони йил сайин ортиб бормоқда.

Рақамлар кесимида изоҳлайдиган бўлсак, 2025 йилнинг январь–ноябрь ойларида мамлакатимизда туризм соҳасида кенг қўламли ишлар амалга оширилиб, барқарор ўсиш суръатлари қайд этилди. 11 ой давомида Ўзбекистонга 10,7 миллион нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди (ўсиш 114 фоиз) ва уларга 4,4 миллиард АҚШ доллар микдорида туризм хизматлари экспорти кўрсатилди (ўсиш 144 фоиз). Демак, Ўзбекистонга келувчи сайёҳлар сони тез ўсиб бормоқда ва бу ўз навбатида мамлакатнинг жаҳон туризм бозоридаги нуфузини кучайтирмоқда.

Ойбек ҲАКИМОВ,
Туризм қўмитаси йўғма
ахборот-таҳлил, статистика,
стратегик режалаштириш
ва методология бошқармаси
бошлиғи:

- Худудларда 954 та жойлаштириш воситалари, жумладан, 128 та меҳмонхона, 506 та оилавий меҳмон уйи, 268 та хостеллар ва 52 та бошқа жойлаштириш воситалари фаолияти йўлга қўйилди. Жойлаштириш воситалари сони 6861 тага, ўринлар сони 183,9 мингтага етди. Туристлар учун хизмат кўрсатувчи 662 та янги туристик ташкилот ва турагентлар фаолияти йўлга қўйилиши натижасида уларнинг сони 4348 тани ташкил этмоқда. Республика бўйлаб 4345 та гид-экскурсоводлар фаолият

олиб бормоқда, жорий йилнинг январь–ноябрь ойлари мобайнида 375 нафар гид-экскурсоводлар тайёрланди. Тадбиркорлик субъектларига берилган тавсиялар натижасида 784 та санитария-гигиена шохобчаси ҳолати яхшиланишига эришилди.

Инвестиция соҳасида 421 та лойиҳа амалга оширилиб, 6313 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Тошкентда JW Marriott, Swissôtel, Azimut брендлари остида меҳмонхоналар, худудларда янги туризм қишлоқлари ташкил этилди, Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятида 3 та йирик туризм кластери ишга туширилди.

2025 йилнинг 11 ойида туризм соҳасида амалга оширилган ишлар мамлакат иқтисодийётнинг муҳим драйверларидан бири сифатида Ўзбекистоннинг халқаро имиджини мустаҳкамлаш, янги иш ўринлари яратиш ва хизматлар экспортини кўпайтиришга хизмат қилди.

ТАБИАТГА МЕҲМОН БЎЛИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Баъзан инсон шовқинли шаҳардан чарчайди. Баҳаво жойини, тоғлар кўриниб турган манзарани кўмсайди. Тезкор ҳаётдан, бетон деворлар орасидан қочиб, табиат қўйнига кетгиси келади. Ана шу эҳтиёж инсонни экотуризмга олиб келади. Чунки бу — табиат билан ўйгунлик, унинг сеҳри билан суҳбат дегани. Бундай жойда киши ўзини меҳмон сифатида эмас, балки табиатнинг бир бўлаги сифатида ҳис қилади, унга муҳаббати ошади.

Чорвоқда эрталабки совуқ, лекин ёқимли ҳаво, Зоминдаги тоғлар орасидаги ҳайқирик, булутлар билан бўйлашиб шуқуҳи, Нурота қишлоқларидаги содда ҳаёт — булар инсонга шаҳар ҳаёти бера олмайдиган завқни беради. Бунда инсон табиатни эшитишни, ҳис қилишни ўрганади. Ишонинг, бундай саёҳатдан одам чарчаб эмас, покланиб, руҳан юксалиб қайтади.

Оддий тилда айтганда, экотуризм — табиат ва инсон ўртасидаги ўйгунликдир. Қишлоқларнинг кўзи ҳайратлантирадиган гўзаллиги, тоғларнинг тозаллиги, сувнинг шовқини — булар инсонни соғлом фикрлаш ва масъулиятли яшашга илҳомлантиради.

Ўзбекистоннинг Зарафшон, Ҳисор, Сурхон, Уғом-Чотқол тоғ тизмалари ва Қизилқум каби табиий худудлари экотуризм учун жуда катта салоҳиятга эга ҳисобланади. Чорвоқ, Билдирсой, Чимён, Зоминдаги баҳаво ва гўзал табиат, чўл худудлардаги туядаги сайр, нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё сайёҳларининг катта эътибор ва эътирофларига сазовор бўлмоқда.

Шохбозбек МАШРАПОВ,
Туризм қўмитаси
Туризм хизматларини
диверсификация қилиш
ва инфратузилмани
ривожлантириш
бошқармаси бош
мутахассиси:

- Охириги йилларда туризм соҳаси бошқача руҳда тилга олина бошлади. Авваллари туризм деганда фақат қадимий жойлар, тарихий обидалар, музейлар, экскурсиялар тушунилган бўлса, бугун одамларимиз орасида экотуризм атамаси тобора кўпроқ қулоққа чалинмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки Ўзбекистон табиати — ўзига хос, ранго ранг ва ҳали тўлиқ кашф этилмаган бойлик. Тасаввур қилинг, Қизилқумнинг сукути, тоғнинг шундоққина этагида жойлашган қишлоқларининг мусаффо

ҳавоси, сўлим гўшаларимизнинг бетақрор табиати, кўриқхоналардаги ноёб ҳайвонот ва ўсимлик дунёси — буларнинг барчаси сайёҳларни жалб қилиши, қизиқтириши аниқ.

Экотуризм қатъий табиат қўйнига саёҳат қилишни назарда тутади. Бундай тажрибадан асосий мақсад — табиатдан баҳра олиш. Айтиш керакки, экотуризмнинг бир қатор ижобий томонлари бор. Масалан, ушбу соҳа ривож табиатни асраб қолиш, маҳаллий аҳолини иш билан таъминлашда ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу одамларнинг даромадларини ошириш орқали иқтисодийётни рағбатлантириши мумкин, айниқса чекка ва қишлоқ жойларда.

Чунки, экотуризм ривожланаётган жойларда қишлоқ аҳолиси меҳмон ўйлари очиб, сайёҳларга миллий таомлар тайёрлаб, гид сифатида хизмат кўрсатмоқда. Демак, ушбу соҳа ривож табиатни аҳоли учун иқтисодий жиҳатдан фойдали.

Шунингдек, бу одамларнинг табиатга муносабатини ўзгартиришда муҳим ўрин тутади. Чунки, экотуризм нафақат сайёҳлар, балки маҳаллий аҳоли, жумладан, болалар орасида ҳам экологик масъулиятли ҳулқ-атвори шакллантириш ва тарбиялашга ёрдам бериши мумкин. Бу шаҳардан ташқаридаги ҳаёт, яъни чекка худудларни ривожлантириш учун ҳам керак.

Шунинг учун бу масалага катта эътибор қаратилаяпти. Масалан, Бухоро вилояти Когон тумани «Ниёз Ҳожи» МФЙ худудида “Bukhara Green Vegetables” МЧЖ томонидан маданий-кўнгилочар истироҳат боғи ва экотуризм марказини ташкил этиш бўйича лойиҳанинг биринчи босқич ишлари тўлиқ якунланди.

Ғиждувон тумани «Барака» МФЙ Қизилқум чўллари худудидаги Олтинсой экотуризм марказида “Gold Hotel Firdavs” МЧЖ томонидан жорий йилда туристлар учун сунъий кўл, бассейн ва бошқа қўшимча хизматлар ташкил этилди.

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги «Оқтепа» сув омбори атрофида туристик инфратузилма объектлари ҳамда “Бойсун”, «Боботоғ», «Ҳисор», «Узун» ва «Сурхондарё» давлат ўрмон тўғжаликлари, шунингдек, “Юқори тўпаланг” ҳамда «Боботоғ» миллий боғлари худудларида экотуризм масканларини ташкил этилиши таъминланди.

Наманган вилоятида экологик барқарорлик тамойилларига асосланган туризмин ривожлантириш, сайёҳларга қўшимча хизмат турларини кенгайтириш мақсадида Тўрақўрғон тумани “Гулқишлоқ” МФЙ худудида “Соҳил бўйи” МЧЖ томонидан экологик талабларга мос келадиган, бир вақтнинг ўзида 100 нафар дан ортиқ меҳмонларни қабул қила оладиган дам олиш маскани — “яшил эко-туризм” лойиҳаси ташкил этилди.

Мамлакатимизнинг тоғли худудларига аҳоли ва сайёҳлар сайрларини ташкил қилиш бўйича тур операторлар томонидан 100дан ортиқ маршрутлардан фойдаланилмоқда.

Мутасадди вазирилик ва идоралар соҳа мутахассислари билан биргаликда мамлакатимиздаги мавжуд табиий ва экотуризм объектлари бўлган тоғлар, чўққилар, тоғ тизмалари, даралар, довлонларнинг номларини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида” ги ҳамда “Географик объектларнинг номлари тўғрисида” ги қонунларига мувофиқлаштириш чораларини

кўрмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, экотуризмнинг энг муҳим томони — табиатга зарар етказмасликдир. Яъни экотуризм фақат саёҳат эмас, балки ҳаёт тарзидир. У инсонни табиатга яқинлаштиради, уни асрашга ўргатади. Бу саёҳат инсонда масъулият ҳиссини уйғотади: чиқиндиларни ташламаслик, табиатга зарар етказмаслик, ҳар бир неъматни қадрлаш.

Иброҳим БАРНАЕВ,
Туризм қўмитаси
Туризм хизматларини
диверсификация қилиш
ва инфратузилмани
ривожлантириш
бошқармаси бошлиғи:
- Йилдан-йилга

мамлакатимизнинг экотуристтик имкониятлари кенгайиб бораётгани қувонарли, албатта. Масалан, Тошкент вилоятида «Чорвоқ», Жиззах вилоятида «Зомин» туристик-рекреацион зоналари ташкил этилгани ва у ердаги шарт-шароитнинг кун сайин яхшиланиб, сайёҳлар ҳамда маҳаллий аҳоли вакилларини ўзига жалб қилаётганидан ҳам кўриш мумкин.

Айтиш керакки, бугунги кунда экотуризмнинг ривожланиш йўналишлари ва истиқболлари табиат қонуниятлари ва геотизимлар барқарорлиги билан боғлиқ ҳолда шаклланмоқда.

Бу тарих ва табиатни уйғунлаштириб, сайёҳга нафақат дам олиш, балки ҳаётий тажриба тақдим этади. Биз бу салоҳиятни ривожлантирсак, нафақат сайёҳлар, балки маҳаллий аҳоли учун ҳам фойдали бўлади.

Айтайлик, яқинда Ўзбекистон табиий мерос объектларининг ЮНЕСКО халқаро рўйхати мезонлари мувофиқлиги ўрганиб чиқилиши ва тақдим этилиши ҳамда “Зомин тоғлари” номзодномасини ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси рўйхатига тақдим этилиши юзасидан Жиззах вилояти (Зомин давлат кўриқхонаси ва Зомин миллий табиат боғи), Қашқадарё вилояти (Ҳисор давлат кўриқхонаси), Сурхондарё вилояти (Сурхон давлат кўриқхонаси худудидаги Қўҳитанг тоғи ҳамда Бойсун туманидаги Бойсун табиий маскани), Навоий вилояти (Нурота тоғ тизмаси, Сармишсой дараси ва Тош-ўрмон объекти) ҳамда Фарғона вилоятига (Шоҳимардон табиий маскани) экспедициялар ташкил этилди.

Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари рўйхатини тузиш мақсадида республика бўйлаб барча вилоятларга экспедициялар амалга оширилди ва худудий бошқармалар мутахассислари билан ҳамкорликда маълумотлар тўпланди ҳамда 2023 йил якунлари бўйича Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари рўйхати шакллантирилиб тасдиқланди.

Ўзбекистон миллий табиий мероси объектлари рўйхатини

янгилаш мақсадида вилоятлар бўйлаб сафар хизмати ташкил этилди. Сафар давомида 15 та янги табиий мерос объектлари аниқланди.

ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА ЭКОТУРИЗМ

Яқинда, шу йилнинг 10 декабрь куни ҳукумат қарори билан “Экохудудларда туристик сўқмоқларни ташкил қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби” белгилаб берилди. Бу қарор экологик худудларда туризмни ривожлантириш ва табиатни ҳурмат қилишни янада ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган.

Қарорга кўра, давлат кўриқхоналари, миллий табиат боғлари, питомниклар, ўрмон ва тоғли ҳамда чўл худудларида махсус туристик сўқмоқлар ташкил этиш мумкин. Бу йўللар сайёҳларга табиатни беҳатар ва экологик жиҳатдан тоза кўриш имконини беради.

Низомга кўра, туристик сўқмоқни ташкил қилишни истаган тегишлилиги бўйича Туризм қўмитасининг худудий бўлинмасига ариза билан мурожаат қилади. Аризига туристик сўқмоқ тўғрисида маълумотнома, йўналиш харитаси, фото ва видео тасвирлар илова этилади.

Ариза келиб тушган кундан бошлаб 10 иш куни ичида худудий бўлинма томонидан кўриб чиқилади. Мутасаддилар туристик сўқмоқнинг белгиланган талабларга жавоб беришини жойига чиқиб ўрганади ва натижа бўйича 2 нусхада далолатнома тузади.

Шундан сўнг Туризм қўмитаси худудий бўлинма юборган ҳужжатларни 2 иш куни ичида кўриб чиқиб, туристик сўқмоқни ташкил қилиш имконига эга бўлади. Табиий худудларга зарар етказиш хавфи камаёйди. Экологик йўлақлар орқали ички ва халқаро сайёҳликни ривожлантириш учун ҳуқуқий асос яратилади.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

САРҲИСОБ

РАҚАМЛИ ХУКУМАТ: БЮРОКРАТИЯДАН ХОЛИ, ШАФФФФ ВА ОЧИҚ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Айтайлик, бир пайтлар ўй олди-сотдисини нотариус орқали расмийлаштириш учун турар жой эгаси коммунал тўловлардан қарздорлик йўқлиги ва бошқа тегишли ҳужжатларни йиғиш учун кунлаб ташкилотма-ташкилот вақт сарфлар, ҳали у эшиқ, ҳали бу эшиқда сарғаяр, асаббўзарлик, турли коррупцион ҳолатлар билан тўқнаш келар эди. Ҳозир эса идоралараро ахборот алмашинувининг йўлга қўйилгани фуқароларни мана шу каби сарсонгарчиликлардан халос этди.

Исталган соҳада бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. “Ҳаммаси бир зумда, осон ва хавфсиз!” – бу рақамлаштириш лойиҳалари ва электрон хизматлар кўламининг кескин ошаётгани шарофати.

БМТнинг Электрон ҳукуматни ривожлантириш индексига кўра, айни пайтда дунёдаги деярли ҳамма давлатлар рақамли ҳукумат элементларини жорий этмоқда. Ўзбекистон мазкур глобал рейтингнинг охириги икки натижасига кўра – 24 поғонага, Сунъий интеллектга тайёргарлик бўйича халқаро индексда 17 поғонага кўтарилгани, мамлакатимизнинг соҳани ривожлантиришдаги ёндашуви ҳамда дадил қадамлари жаҳон миқёсида эътироф этилаётгани диққатга сазовор. Шу йилнинг 23-25 июнь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган нуфузли анжуман – БМТ Давлат хизмати форумида Ўзбекистон “Электрон ҳукуматдаги ютуқлари учун” махсус мукофоти билан тақдирлангани эса бунинг ёрқин далилидир.

– Яқунлиб бораётган 2025 йил Ўзбекистоннинг рақамли трансформацион йўлида муҳим бўрилиш нуқтаси бўлди, – дейди Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази Рақамли давлат хизматларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Даврон Аҳмедов. – Бу даврда “Электрон ҳукумат” тизими кенгайиб, фуқароларга йўналтирилган, проактив “Рақамли ҳукумат” моделига ўтиш жараёни жадаллашди. Хусусан, аҳоли ва тадбиркорларга кўрсатиладиган



**АСОСИЙСИ, ШАФФОФЛИК
ВА ОЧИҚЛИК НЕГИЗИДА
ШАКЛЛАНТИРИЛГАН БУ
ТИЗИМ ОДАМЛАРНИНГ
ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИГА
ИШОНЧНИ ОШИРИБ,
БАРЧА МАСАЛАДА
ҚОНУНИЙЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ
ҚИЛМОҚДА.**

онлайн давлат хизматлари сони ва ундан фойдаланиш ҳажми бўйича барқарор ўсиш кузатилди.

Масалан, жорий йилда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz)да юзта янги хизмат йўлга қўйилиб, умумий сони 800 тага етказилди. Ягона портал орқали аҳолига жами 39,2 миллиондан зиёд хизмат онлайн кўрсатилди. Бу борадаги рақамни 2024 йилга нисбатан солиштирсак, 20 фоизга ўсганини кўрамыз. my.gov.uz портали орқали фойдаланишда белгиланган 10 фоизлик чегирма ҳисобига аҳолининг 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағи тежалди ва 160 тоннадан ортиқ қоғоз сарфининг олди олинди.

Ижтимоий долзарб хизматлар ичида аҳолининг молиявий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган “Кредит тарихини олишга чеклов ўрнатиш” хизматидан – 139,3 мингта, “Автомобилга

газ ускуналарини ўрнатишга рухсатнома олиш”дан – 19,2 мингта, “Овчилик гувоҳномасини олиш”дан – 9,5 мингта фойдаланиш қайд этилди.

Хохлаган вақтда масофадан туриб давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини тақдим этадиган MyGOV иловаси ҳам фуқароларимиз учун қатор енгилликлар яратмоқда. 600 та хизмат турлари йўлга қўйилган мазкур иловадан йил давомида 20,8 миллион мартадан ортиқ фойдаланилгани ва бу борадаги статистика рекорд даражада ошиб бораётгани қувонарли.

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТЛАР ВА ҚОҒОЗБОЗЛИКДАН ВОЗ КЕЧИШ

Юқорида урғу берганимиздек, яқин-яқингача фуқароларнинг давлат хизматларидан фойдаланишида қоғозбозлик муҳим бўлиб, гўёки идора-ташкилотлар “Сизга керак бўлса, бизни келиб топинг” ёки “Аризаларни тўлдиришингиз, маълумотномалар олиб келишингиз керак” қабилида ишларди. Рақамли ҳукумат ривожлангани сари бундай манзара қарийб барҳам топди. Электрон ҳужжатларнинг жорий этилиши ва идоралараро маълумот алмашинуви натижасида фуқаролардан жами 150 дан ортиқ турдаги маълумотномаларни талаб қилиш тўлиқ бекор бўлди.

– Мамлакатимизда 2020 йилдан электрон ҳукумат тизимини такомиллаштиришга эътибор кучайиб, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси тасдиқланган эди, – дейди Рақамлаштириш дастурларини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Абдор Шазимов. – Бу давлат бошқарувини рақамли трансформация қилиш йўлидаги улкан қадам бўлди. Ушбу ташаббус давлат органларининг очиқлиги, самарадорлиги ва идоралараро ҳамкорлигини оширишга замин яратди.

“Ўзбекистон-2030” стратегияси электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг янги босқичи – “Рақамли ҳукумат” тизимига ўтишни белгилаб берди. Ушбу тизимли ислохотлар аҳоли ва бизнес учун давлат хизматлари сифатини ҳамда уларга кириш имкониятини ошириш, коррупцион ҳолатлар ва бюрократиянинг олдини олиш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш имкониятларини тақдим қилиши билан ғоятда аҳамиятли. Асосийси, шаффофлик ва очиқлик негизида шакллантирилган бу тизим одамларнинг давлат органларига ишончини ошириб, барча масалада қонунийликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

“Рақамли ҳукумат” ҳақида сўз борганда, проактивлик ва композит хизматлар бўйича қилинаётган амалий ишларга ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Президентимизнинг шу йил 16 сентябрдаги “Республиканинг ҳудуд, соҳа ва тармоқларида рақамли технологиялар жорий этилишини янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида 2025–2026 йилларда аҳоли ва тадбиркорлар учун 100 тадан ортиқ янги электрон хизматларни жорий этиш кўзда тутилган. Жумладан, касаллик ёки жароҳат бўйича нафақа олиш, FaceID орқали меҳнат шартномаларини тасдиқлаш, автотранспорт воситасининг давлат рақам белгисини тиклаш, талабалар учун ижара тўловининг

бир қисmini қоплаш каби муҳим хизматларни рақамлаштириш ҳаётий заруратдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, қисқа вақт ичида давлат хизматларининг 21 тури проактив (аризасиз) ва композит шакллarga ўтказилди. Фуқароларга 50 га яқин энг долзарб вазият бўйича хабарномалар автоматик равишда юборилмоқда. Булар қаторига газ, ичимлик суви ва электр тармоқларига улаиш, ёшга доир пенсия расмийлаштирилганда санаторийларда даволаниш учун навбатга қўйиш, ногиронлик белгиланганда тиббий муассасаларда имтиёзли даволаниш учун йўлланма олиш ва бошқалар қиради.

“Давлат – халқ учун” тамойилига кўра, 2025 йилда Ўзбекистонда 80 та рақамлаштириш лойиҳаси амалга оширилди. Мазкур ислохотлар давлат бошқарувини рақамлаштириш, давлат хизматларини соддалаштириш ва шаффофликни оширишга қаратилган бўлиб, мамлакатда “давлат – халқ учун” тамойилини амалиётга татбиқ этишда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Мисол учун, бу йилда “Ногиронлиги бўлган шахслар бандлигига кўмаклашиш электрон реестри” ишга туширилди. Яъни, тадбиркорлар бўш иш ўринларини my.ihma.uz платформаси орқали киритиши натижасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш қамрови сифат босқичига чикди.

Ташқи савдо ва божхонада “E-kontrakt” тизими жорий этилиши самарасида 550 мингга яқин юк декларациялари соддалаштирилган тартибда расмийлаштирилди. 38 млрд. долларлик банк операциялари тизим орқали амалга оширилди. 12 та чегара ўтказиш пунктида “E-navbat” ва “Fasttrack” тизимлари туфайли шахсларнинг навбатни кутиш вақти 2 соатдан 20 дақиқагача қисқарди.

Рақамлаштириш жараёни, айниқса, ижтимоий ҳаётимизнинг бир қисмига айланган ва аҳоли энг кўп муурожаат қиладиган соҳа – соғлиқни сақлашда яққол намоён бўлмоқда. Соҳада DMED ягона электрон ахборот тизими йўлга қўйилиб, бу платформага 36 миллион нафардан зиёд аҳолининг тиббий маълумотлари киритилгани, электрон йўлланмалар ва рақамли ҳисобот механизмлари амалиётда қўлланилаётгани пировардида сифатли тиббий хизматни халққа яқинлаштирмоқда. Ёки шу кунларда кенг жамоатчилик муҳокама марказида бўлиб турган “Электрон рецепт” тизимини олиб кўрайлик. Бу дори воситаларидан фойдаланишда масъулиятни кучайтириш ҳамда даволаш хавфсизлигини оширишга қаратилган ҳаракат бўлиб, тизимга 8 мингдан ортиқ дорихона уланган. Ҳозирда “Электрон рецепт” тизими пойтахтимизда ва 15 та тажриба-синов ҳудуди (туман-шаҳар)да босқичма-босқич жорий қилинмоқда.

Шу ўринда жамиятимизнинг яна бир оғриқли муаммоси – йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган рақамлаштириш лойиҳаларидан бири – “E-jarimaball” (жарима балларини ҳисоблаш) модулини ҳам қайд этмоқ жоиз. Ҳайдовчилар масъулиятини кучайтириш, қоидабузарликлар ва йўл-транспорт ҳодисалари сонини камайтириш мақсадини назарда tutувчи бу лойиҳа йўлларда ҳаракат хавфсизлигини ошириш ва турли кўнгилсизликларнинг олдини

олишда ижобий силжиш ясагани кундек равшан.

АСОСИЙ ПЛАТФОРМАЛАРДАГИ ЎСИШ

– Марказий инфратузилма платформаларининг кенгайиши ҳисобига электрон хизматларни кўрсатиш сифати ва тезлигида юқори самарадорликка эришилмоқда, – дейди Рақамли ҳукумат тизимларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Зафар Холманов. – Улардан бири – OneID (Ягона идентификация тизими) фуқаролар ва тадбиркорларнинг барча турдаги электрон давлат хизматларидан ягона логин ҳамда пароль орқали фойдаланишини таъминлашда хавфсиз, қулай платформа қўбланади. 2025 йил декабрь ҳолатига кўра, OneID тизимига 785 дан ортиқ давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ахборот тизимлари муваффақиятли интеграция қилинган ва бу тизимдан фаол фойдаланувчилар сони 12,85 миллион нафардан ошган. Таҳлиллар кунлик ўртача идентификация операциялари сони 500 минг мартадан зиёдни ташкил этаётганини кўрсатмоқда. Бу эса тизим фаолияти юқори даражада ишончли ва пухта тақомиллаштирилганини тасдиқлайди.



**ШУ КАБИ АСОСИЙ
ПЛАТФОРМАЛАРНИНГ
БАРҚАРОР ВА КЕНГАЙИБ
БОРАЁТГАН ФАОЛИЯТИ,
ТАЪБИР ЖОИЗ БЎЛСА,
ЎЗБЕКИСТОННИНГ
РАҚАМЛИ СУВЕРЕНИТЕТИНИ
ҲАМ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА.
АЙНИ ЧОҒДА
МАМЛАКАТНИНГ “РАҚАМЛИ
ХУКУМАТ”ГА ЎТИШ
БОСҚИЧИ РАҚАМЛИ
КЕЛАЖАКНИ ҚУРИШ
ЙЎЛИДАГИ ҚАТЪИЙ
МАҚСАДИДАН ДАЛОЛАТ
БЕРАДИ.**

Яна бир рақамли платформа – ИИП (Идоралараро интеграциялашув платформаси) давлат органлари ўртасида маълумотларнинг хавфсиз ва тезкор алмашинувини таъминламоқда. У фуқаролардан ортиқча ҳужжат ва маълумотнома талаб этилишини амалда тўлалигича бекор қилишга туртки берди.

Платформага 510 дан ортиқ веб-сервислар уланган бўлиб, бу давлат органларининг 90 фоиздан ортиғи ўзаро реал вақт режимида маълумот алмаша олади, деганидир. Бугунга келиб тизим орқали кунлик ўртача сўровлар сони 15 миллиондан ошгани идоралараро қоғоз ҳужжатлар айланмасининг қанчалар кескин қисқарганини исботлайди.

Рақамли маълумотлар платформаси (РМП) эса хусусий сектор ва тижорат банкларига қонунчиликда белгиланган тартибда давлат маълумотларига кириш имконини беради. Мазкур платформа янги рақамли хизматларни яратиш, кредит бериш жараёнларини тезлаштириш ва бюрократияни камайтиришда қўл келмоқда. Платформага 160 дан ортиқ хусусий ташкилотларнинг ахборот тизимлари уланган.

Ва ниҳоят, давлат хизматлари учун тўловларнинг шаффофлиги, тезкорлиги ва қулайлигини таъминловчи марказлашган механизм – Ягона биллинг тизими аҳолида электрон тўловлар маданиятини ривожлантиришда, давлат бюджетига тушумларнинг ошишида салмоқли ўрин тутмоқда. Статистикага кўра, 2025 йилнинг 11 ойида 500 дан ортиқ хизматлар сонини қамраб олган бу биллинг тизими орқали 52,8 миллионга транзакция амалга оширилган.

Шу каби асосий платформаларнинг барқарор ва кенгайиб бораётган фаолияти, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистоннинг рақамли суверенитетини ҳам мустаҳкамламоқда. Айни чоғда мамлакатнинг “Рақамли ҳукумат”га ўтиш босқичи рақамли келажақни қуриш йўлидаги қатъий мақсадидан далолат беради.

**Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**

“ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ ЭНГ ФАОЛ ДЕПУТАТИ”

танловининг вилоят босқичлари ўтказилмоқда



Ҳеч ким депутатликка ўқитилмайди. Қонунчилик меъёрлари, депутатлик фаолиятига оид бурч ҳамда ваколат, фикр алмашиш, ҳаётий тажриба бу борада дастуруламал бўлади.
Бугунги депутатни кечагиси билан солиштириб бўлмайди. Чунки уларнинг ваколати ҳам, зиммасидаги масъулият ҳам, ўз навбатида, тажриба ҳам ортган. Бу, айниқса, амалий ишларда ўз ифодасини топмоқда.

Халқ демократик партияси депутатларни рағбатлантиришга, уларнинг ўзаро тажриба алмашишга алоҳида эътибор қаратмоқда, турли тадбир ва лойиҳалар амалиётга жорий этилмоқда. “Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол депутати” кўрик-танлови шундай лойиҳалардан биридир.

Партиямиз ташаббуси билан ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этилаётган “Энг фаол депутат” кўрик-танловининг жорий йилги вилоят босқичлари юртимизнинг қатор ҳудудларида юқори даражада, мазмунан бой ва рақобатли тарзда ўтказилмоқда. Танлов маҳаллий Кенгаш депутатларининг иш самарадорлигини ошириш, аҳоли муаммоларини ҳал этишда фаоллиқни кучайтириш, партиянинг Сайловолди дастури ижросини таъминлаш ҳамда депутатлик корпуси салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим тадбир ҳисобланади. Энг муҳими, сараланган фаол депутатлар билим ва кўникмаларини яна бир бора синовдан ўтказмоқда.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

“Энг фаол депутат” кўрик-танловининг Андижон вилояти босқичида шаҳар ва туман босқичларида сараланган 10 нафар депутат иштирок этди. Танлов анъанавий тарзда юқори савияда, очиклик ва муросасиз рақобат руҳида ўтди.

Депутатлар “Аҳоли билан ишлашда самарали ёндашув”, “Сиёсий ҳозиржавоблик”, “Муаммони ҳал қилишда амалий тажриба” каби мезонлар асосида баҳоланди.

Натижаларга кўра, биринчи ўринни халқ депутатлари Бўстон туман Кенгаши депутати Бўҳалимаҳон Солиева қўлга киритди.

Танловда қатнашган барча депутатлар номинациялар бўйича рағбатлантирилиб, партия вилоят кенгаши томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Вилоятда ўтказилган танловда шаҳар ва туманларда ғолиб бўлган фаол депутатлар

иштирок этди. Улар ўзининг ташаббускорлиги, сайловчилар билан мунтазам мулоқоти, аҳоли мурожаатларига тизимли муносабати ҳамда амалий лойиҳалардаги фаоллиги билан ажралиб турдилар.

Депутатлар 3 босқичда синовдан ўтдилар.

Баҳолаш натижаларига кўра, биринчи ўринга халқ депутатлари Зафаробод туман Кенгаши депутати Баҳром Ҳамрақулов муносиб кўрилди.

Унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишдаги масъулиятли ёндашуви, ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишдаги ташаббускорлиги ва депутат сифатидаги фаол позицияси юқори баҳоланди. У республика босқичига йўлланма олди.

Фаоллик кўрсатган бошқа депутатлар ҳам диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, партиянинг самарали иш юритаётган туман ва шаҳар



кенгашларига замонавий компьютер жамланмалари топширилди.

иштирокчилар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Мавжуда ҲАСАНОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи:

— Аслида фаол ва ташаббускор депутатларимиз жуда кўп, улар битта саҳнага сиғмайди. Чунки маҳаллий кенгашларда 1163 нафар депутатга эга бўлган партиямизнинг иши ҳам шунга яраша кенг кўламлидир.

Аслида халқ ишончи билан бериладиган катта масъулият. Ушбу кўрик-танлов эса ана шу масъулиятимизни яна бир бора синовдан ўтказадиган, янада чархлайдиган, ўзаро тажриба орттиришимизга сабаб бўлган рақобат майдони бўлиб хизмат қилди, десам тўғри бўлади.

Танловда берилган баҳога келсак, у рамзий маънога эга бўлиб, депутатнинг бутун фаолиятини биргина танловда кўрсатиб бериш қийин масала. Муҳими, танлов натижаси олинган ўрин билан чекланмайди. Бундай тадбирлар ҳар бир депутатга ўз устида ишлаши учун имконият ва рағбат вазифасини ўтайди, деб ўйлайман.

Айни кунларда Ўзбекистон ХДПнинг барча ҳудудий кенгашларида кўрик-танловнинг вилоят босқичлари ўтказилмоқда. Унда туман ва шаҳарларда сараланган энг фаол депутатлар иштирок этмоқда.

Ушбу жараён партиянинг депутатлик корпусининг масъулияти ва фаоллигини янада ошириш, аҳоли билан ишлашда инновацион ёндашувларни жорий этиш ҳамда жамоатчилик ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

“Энг фаол депутат” кўрик-танлови мамлакатимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишда янги ташаббус ва ғояларни рағбатлантириш, фидойи ва лидер депутатларни аниқлашда муҳим майдон бўлиб хизмат қилмоқда.



ЖАМОАТЧИЛИК ЭШИТУВИ



Ёши улуг отахон-у онахонларни қадрлаш, уларнинг ҳурматини ўрнига қўйиш урф-одатларимиз, анъаналаримиз, яшаш тарзимизнинг ажралмас бир бўлагига айланган. Уларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, эъзозлаш халқимизга хос эзгу фазилатдир.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки кекса нуронийлар хонадонимиз кўрки, дастурхонимиз файзу-баракотидир. Уларнинг қилган хайрли дуоси ҳаётимиз, оилаларимиз, Ватанимиз ҳамда йўлимизни нуралар билан этиб туради ва яхши ишларга ундайди. Қариялар қадр топган юртда меҳр-оқибат, қут-баракат, тинчлик-хотиржамлик бўлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси эл-юрт ривожига катта хизмати сингган нуронийларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга қулай шароит яратиш, давлат ва жамият олдидаги муҳим вазифа, деб ҳисоблайди.

Шу боисдан ҳам партия депутатлик корпуси орқали бу борада белгиланган дастур ва вазифалар ижроси бўйича

манзилли ўрганишлар ўтказилиб, мутасаддилар ва экспертлар иштирокида муҳокама қилмоқда.

Куни кеча Тошкент шаҳридаги ўрганишларнинг дастлабки натижалари бўйича жамоатчилик эшитуви ўтказилди.

Маълум бўлишича, Тошкент шаҳрида нуронийлар учун яратилган шароитлар ҳамма туманларда ҳам бир хил ва барқарор эмас. Айрим жойларда имкониятлар намунавий даражада бўлса, баъзи ҳудудларда эса ҳатто минимал шароит ҳам яратилмаган.

Алишер ГУЛЯМОВ, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши Фахрийлар кенгаши раиси:

- Кекса авлод вакилларига бўлган ғамхўрлик ва эътиборни кучайтириш зиммамиздаги энг муҳим вазифалардандир. Бу ёш авлод учун ҳам улкан тарбия ва тажриба мактаби бўлади, деб ўйлайман. Ўрганишлар давомида маълум бўлдики, Бектемир тумани “Роҳат” маҳалласидаги “Нурли маскан” мажмуаси намунавий тарзда ташкил этилган. Замонавий

спорт майдончаси, югуриш йўлаклари, китоб ўқиш ва суҳбат қуриш учун қулай имкониятлар мавжуд. Ушбу ҳудудда кексалар учун шароитлар бор, мароқли ҳордиқ чиқариши учун барча имкониятлар яратилган. Ҳавас қилса арзигулик.

Аммо Олмазор туманидаги “Мискин” ва “Шодиёна” маҳаллаларида ачинарли ҳолатларга дуч келинган. Маҳаллаларда дам олиш жойи бор, аммо газ таъминотидан узилганлиги сабабли хоналар совуқ, маскандан маълум вақт давомида маҳалла идораси сифатида ҳам фойдаланиб келинган.

Биз бир ҳақиқатни унутмайлик. Нуронийларни эъзозлаган кам бўлмайди. Бежиз давлат микёсида уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, турмуш шароитларини янада яхшилаш, саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмаяпти. Ахир нуроний, кекса ота-оналаримиз борлигимиз, бойлигимиз. Фахрийларимизнинг ҳаёти ҳам ғаниматлигини англаб етишимиз даркордир. Имконият бор, шароит яратилса, демак бундан ўз ўрнида фойдаланишимиз керак.

Депутатлар қайд этишича, нуронийлар масканларида асосан хоналарнинг таъмирталаблиги, кириб-чиқиш йўлакларининг кексалар фойдаланиши

учун ноқулайлиги, иситиш ва санитария ҳолати талаб даражасида эмаслиги каби муаммолар тизимли тус олган.

Масъуллар, экспертлар ҳамда жамоатчилик вакиллари ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдиришди.

Жумладан, пойтахтимизнинг барча маҳаллаларида нуронийлар масканлари учун ягона минимал стандартларни қабул қилиш, мавжуд масканларни фақат таъмирлаш билан чекланмасдан, уларни ижтимоий фаоллик масканига айлантириш, кексаларнинг қизиқишлари бўйича тўғараклар, саломатликка оид тренинглар, маданий ва маърифий учрашувларни йўлга қўйиш, умуман, Тошкент шаҳрини пир-у бадавлат нуронийлар учун қулай маконга айлантириш ҳақида таклифлар илгари сурилди.

Мазкур масала халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги Халқ демократик партияси гуруҳи мажлисида таҳлилий кўриб чиқиш кераклиги қайд этилди. Нуроний отахон-онахонларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш доимий эътибордаги вазифа бўлиши зарур.

Саҳифани “Ўзбекистон овози” муҳбири Лазиза ШЕРОВА тайёрлади.

КОРРУПЦИЯ – ЖАМИЯТ КУШАНДАСИ

МАЙДА ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАР
ОРТИДАГИ КАТТА ХАВФ

Бугунги кунда ишлаб чиқариш корхоналарида тартиб, интизом ва хавфсизлик фақат иш жараёнини таъминловчи талаблар эмас, балки корхона барқарорлигининг асосий устунлари сифатида муҳим аҳамият касб этади. Дейлик, битта болтнинг нотўғри қотирилиши ёки бир ҳужжатнинг вақтида расмийлаштирилмаслиги маҳсулот ва иш сифатига, қолаверса, ходимлар хавфсизлиги ҳамда корхона бўйсига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Мана шундай аниқлик ва масъулият талаб қилинадиган жараёнда баъзан кўзга ташланмайдиган, ammo энг хавфли омиллардан бири маиший коррупциядир.

Маиший коррупция кўпинча катта пул ёки мансабни суистеъмол қилиш билан боғлиқ бўлмайди. У оддий хулқ-атворлар орасида яширинган бўлиб, оқибати оғир кечадиган иллатдир. “Бир сафар кўз юминг”, “Эртага расмийлаштирамиз”, “Ҳеч ким кўрмайди-ку”, “Битта деталдан ҳеч нарса бўлмайди” каби иборалар орқали у иш жараёнига сингиб боради. Бундай илтимослар арзимас туюлса-да, улар қоидаларга нисбатан бефарқлиқни кучайтиради ва кейинчалик катта муаммоларни келтириб чиқаради. Энг хавфли жиҳати, ходимлар бу иллатни коррупция сифатида эмас, ишлаб чиқаришдаги одатий ҳолат деб кўра бошлайди.

“UzAuto Motors” АЖ корхоналарида ўтказилаётган профилактика тадбирлари ҳам айнан шу муаммонинг олдини олишга қаратилган.

Хусусан, “UzAuto Motors” АЖнинг Асака ва Хоразм филиалларида бу бўйича махсус

семинар ва тренинглар ташкил этилди. Тадбирларда маиший коррупциянинг кўринишлари, унинг маҳсулот сифати ва хавфсизликка таъсири, жамоа ичида ишонч муҳитини заифлаштириши ҳақида атрофлича тушунтиришлар берилди. Ходимларга амалий мисоллар билан “майда” деб қаралган қоидабузарликлар қандай қилиб катта хавфларга айланиши изоҳланди.

Иш жараёнидаги маиший коррупция бир неча кўринишларда намоён бўлади: жавобгарликни пасайтириш, хавфсизлик талабларига бефарқлик, деталь сифатига юзаки муносабат, норасмий “хизмат айирбошлаш” ва таниш-билишчилик асосида имтиёз берилиши каби ҳолатлар. “Назоратчи ҳозир йўқ”, “Камера бу жойни кўрмайди”, “Бир дақиқага нима бўпти?” каби фикрий оғишлар хавфсизликка бўлган муносабатни сўндиради, саноат шароитида атиги бир дақиқалик бефарқлик ҳам фожеа учун кифоя. Шунингдек, деталларни вақтида текширмаслик ва “кейин тўғрилаб

кўяман” деб юзаки қараш “брак” маҳсулотларнинг ортишига, сифат кўрсаткичлари пасайишига ва корхона харажатларининг кўпайишига сабаб бўлади. Бундай иллатлар жамоа ичида адолат тамойили йўқолишига, ишончсизлик муҳитининг кучайишига олиб келади.

Маиший коррупциянинг илдизи уни коррупция деб ҳисобламаслик, “бошқалар ҳам шундай қилади” деган қараш ва жазосиз қолишга ишонишдир. Ишлаб чиқаришда эса коррупцияга қарши энг самарали чора – бу ҳар бир ходимда шахсий масъулиятни, ички интизом ва ҳалоллик позициясини шакллантириш билан боғлиқ.

Тизимда ташкил қилинаётган изчил профилактика тадбирлар ҳам ходимларда ана шу кўникмани мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

**Манас ШАКИРОВ,
“UzAuto Motors” АЖ
Комплаенс хизмати
Коррупцияга қарши курашиш
ва хорижий нормаларга риоя
этиш бошқармаси бошлиғи.**



КОРРУПЦИЯВИЙ
ХАТАРЛАРНИНГ ОЛДИНИ
ОЛИШ – СТРАТЕГИК ВАЗИФА

Хабарингиз бор, айна пайтда республикамиз бўйлаб Халқаро коррупцияга қарши курашиш ойлиги ўтказилмоқда. Ойлик доирасида акциядорлик тижорат Халқ банкида очиқ эшиклар куни ташкил этилди. Унда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий

жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимлари, ОАВ ва бошқа жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Тадбирда мазкур молия ташкилотида коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш, банк ходимларининг мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш

ҳолатларига қатъий чек қўйиш йўлида қилинаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. – 7 минг 172 нафар ходимдан манфаатлар тўқнашуви бўйича йиллик декларация олиниб, аниқланган потенциал ва реал (тўғридан-тўғри) манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини бартараф этиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, – дейди Халқ банкининг Ички назорат ва комплаенс департаменти директори Азамат Хаитов.

– Бундан ташқари, харид жараёнларининг очиклиги ва шаффофликни таъминлаш мақсадида банкда

харидларни амалга ошириш жараёнида иштирокчилар (контрагентлар)да аффилиланганлик ва бошқа коррупциявий хатарларнинг олдини олиш бўйича ўрганишлар ўтказилиб, тегишли хулосалар бериб борилмоқда.

2024 йилда Халқ банкининг коррупцияга қарши менежмент тизими ISO 37001:2016 халқаро стандартининг мувофиқлик сертификатини қўлга киритган эди. Жорий йилда ҳам банкнинг ушбу тизими қайта ташқи аудитдан ўтказилиб, мувофиқлик сертификати муваффақиятли Ҳимоя қилинди.

Тадбирда коррупция элементларини келтириб чиқарувчи омиллар, уларни аниқлаш механизмлари ва олдини олиш бўйича қатъий чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Давлат ва жамият равнақиға ғов бўлувчи бу иллатга мурасасиз муносабатда бўлиш ҳар бир молия ташкилоти олдидаги стратегик вазифалардан ҳисобланиши, банк хизматлари тўлиқ электронлаштирилиши инсон омиллини қамайтиришга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

**Тоштемир
худойкулов,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.**

ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

СИРДАРЁДА КАМБАҒАЛЛИК
ВА БАНДЛИК МАСАЛАЛАРИ
МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Ўзбекистон Халқ демократик партияси ижтимоий Ҳимоянинг тизимли ва манзиллилиги, камбағал, кам даромадли, эҳтиёжманд оилаларнинг барқарор даромадга эришиши масаласига алоҳида эътибор қаратади.

Партиянинг Сирдарё вилоят кенгаши томонидан “Ижтимоий Ҳимоядан барқарор даромад сари” мавзусида ташкил этилган давра суҳбатида ҳам вилоятда бу борада амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги, олдинда турган устувор вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Маълумотларга кўра, шу йилнинг 1 ноябрига қадар “Камбағал оилалар реестри”га киритилган 18 025 та оиланинг ижтимоий аҳоли ўрганилиб, улардан 8 мингдан ортиғи даромади камбағаллик чегарасидан юқори бўлгани учун реестрдан чиқарилди. Ҳозирда реестрда 10 018 та оила бор ва вилоятда камбағаллик даражаси 4,4 фоизни ташкил этмоқда.

Вилоятда “Камбағал оилалар реестри”да турган 10 мингдан кўпроқ оиллага ижтимоий хизмат кўрсатилмоқда. Афсуски, шу оилалардан 372

таси боқувчисини йўқотган. Шунингдек, 323 тасида оила аъзоси жазони ижро этиш муассасасида қолаётган бўлса, оила аъзоси психиатрия диспансерида бўлган оилалар 696 тани ташкил этади. Албатта, бундай рақамлар ҳар бир кишини ўйга солади. Уларнинг ҳаёти изга тушишида масъул вазирлик-идоралар, маҳаллий ижро ҳоқимияти, депутатлардан катта масъулият талаб қилади.

Муаммолар билан юзма-юз қолаётган оилалар учун алоҳида ёндашув кераклиги, бунда боқувчисини йўқотган оиллага бир-икки марталик ёрдамдан кўра, оиладаги меҳнатга қобилиятли аъзоларнинг бандлигини таъминлаш, касб-хунарни қилиш борасидаги ишларни тизимли ташкил этиш масаласи энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Афсуски, партия депутатлик гуруҳлари камбағаллиқни қисқартириш билан боғлиқ дастурлар ижросини, кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамлар ҳолатини ўрганганида, юзаки, масъулиясиз ёндашилган ҳолатларга ҳам дуч келинмоқда. Муҳокама жараёнида бундай ҳолатларга нисбатан мурасасиз бўлиш кераклиги таъкидланди.

Бекобод: НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН БОЛАЛАРГА
ЭЛЕКТРОН АРАВАЧАЛАР ҲАДЯ ЭТИЛДИ

Партиямиздан сайланган Бекобод шаҳар Кенгаши депутати Х.Ибрагимовага ҳудудда яшовчи ногиронлиги бор болаларнинг ота-оналаридан мурожаат келиб тушди. Унда болаларга ҳаракатланиш имконини берадиган ногиронлик аравачаси зарурлиги айтилган.

Депутат дарҳол болажонларга арава олиш учун ҳомийлар излади. Натижада ҳомийлар кўмағи билан 9 нафар ногиронлиги бўлган болаларга электрон аравачалар ҳадя этилди.

Партиямиз депутатлари ташаббуси билан амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтиришга, айниқса, ижтимоий Ҳимояга муҳтож, эҳтиёжманд оилаларга, ногиронлиги бор инсонларга кенг имконият ва шароитлар яратиб беришга хизмат қилмоқда.



Тошкент: "ПАРЛАМЕНТ МАКТАБИ" – ЁШ СИЁСАТЧИЛАР
УЧУН БИЛИМЛАР МАКОНИ

“Парламент мактаби” лойиҳаси ёш сиёсатчиларни бирлаштирган мазмунли платформа бўлиб, уларнинг сиёсий фикрлаши, ташаббускорлиги ва масъулият билан қарор қабул қилиш бўйича кўникмаларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Платформада Халқ демократик партияси Ёшлар парламенти аъзолари ҳам фаол иштирок этиб, ўз ғоя ва ташаббуслари билан жараёнга янада кўтаринки руҳ бағишламоқда. Дастур доирасида Тошкент давлат юридик университети Юридик клиникаси мутахассислари томонидан амалий учрашув ўтказилди. Унда иштирокчилар қонунчилик тамойиллари, ҳуқуқий нормалардан фойдаланиш ва сиёсий ташаббусларни асослаш бўйича муҳим кўникмаларни ўзлаштирди. Бундай учрашувлар ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий тафаккурини кенгайтириш ва ташаббусларни пухта асослашга хизмат қилувчи фойдали тажриба бўлиб хизмат қилади.



Жондор: СУВ ТАЪМИНОТИ ҲОЛАТИ
ЎРГАНИЛДИ

Халқ депутатлари Жондор тумани Кенгашидаги депутатларимиз “Бухоро сув таъминоти” АЖ Жондор тумани филиалида ўрганиш олиб борди.

Ўрганиш давомида корхона томонидан бу йилги куз-қиш мавсумида аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, тоза ичимлик суви таъминоти, мавжуд муаммолар, инфратузилма ҳолати ва хизмат кўрсатиш тизими атрофлича таҳлил қилинди.

Шунингдек, ҳудуд аҳолиси билан мулоқот олиб борилиб, сув таъминоти бўйича фуқароларнинг мурожаатларини ҳал этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Депутатлар томонидан аниқланган баъзи камчиликлар юзасидан тегишли чоралар кўрилиб, масъуллар билан хизмат сифатини яхшилаш, аҳолига барқарор сув етказиб беришни таъминлаш бўйича аниқ вазифалар бергилаб олинди.



ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”НИ ВАРАҚЛАЙМИЗ...

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Бу шунчаки рўйхат эмас, бу тақдирлар билан ишлаш тизими. У ерга киритилган аёл нафақат моддий, балки ҳуқуқий ва руҳий ҳимояга эга бўлади.

ҚОҒОЗ УЧУН
ЭМАС, ИНСОН
УЧУН...

Ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда аёллар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни иқтисодий ва ижтимоий фаол ҳаётга жалб этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шу йўналишдаги энг муҳим механизмлардан бири — “Аёллар дафтари” тизимидир.

Ўтган даврда кам таъминланган, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож минг-минглаб хотин-қизлар дафтар рўйхатидан жой олди. Мутасаддилар уларга яқиндан туриб мадад берди. Ёрдам фақат моддий эмас.

Айрим аёлларга маслаҳат, кимгадир ҳуқуқий ёрдам, яна кимгадир иш топиш — энг катта таянч. Бунинг натижасида қанчадан-қанча хотин-қизлар қўллаб-қувватланди, даромадга йўналтирилди. Руҳан ўзини тиклаб олди. Энг муҳими, ҳозир уларнинг ўзига ишончи баланд, бировнинг қўлига қараб қолмаган.

Шу маънода бу нафқат ёрдам кўрсатиш рўйхати, балки умид ва эътибор дафтари. Чунки муҳтож хотин-қизларимиз бу дафтар орқали моддий ёрдам олади, касб-ҳунар ўрганади, ишга жойлашади, шунингдек, психологик ва ҳуқуқий маслаҳат олади, зўравонликдан ҳимояланади.

Бунга қўллаб-қувватлаш мисолларни келтириш мумкин. Кеча фарзандларининг бошини силаб, уларнинг таъминотини ўйлаган, моддий қийинчиликлардан қийналган аёл бугун кичик тикув цехи очиб, бошқаларга иш бермоқда. Жисмоний ва руҳий зўравонликка учраган, оиласида тушумовчилик юзага келган аёлларга яқиндан туриб психологик ёрдам кўрсатиляпти. Улар “Аёллар дафтари”га киритилиб, ҳимоя ордери расмийлаштириб берилади.

Бунинг ортида аёлга нисбатан нафақат ёрдам, балки ишонч ҳам бор. Бу чин маънода комплекс ҳимоя механизмидир.

““

ШУ МАЪНОДА БУ
НАФҚАТ ЁРДАМ
КЎРСАТИШ РЎЙХАТИ,
БАЛКИ УМИД ВА
ЭЪТИБОР ДАФТАРИДИР.
ЧУНКИ МУҲТОЖ
ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗ
БУ ДАФТАР ОРҚАЛИ
МОДДИЙ ЁРДАМ ОЛАДИ,
КАСБ-ҲУНАР ЎРГАНАДИ,
ИШГА ЖОЙЛАШАДИ,
ШУНИНГДЕК,
ПСИХОЛОГИК
ВА ҲУҚУҚИЙ
МАСЛАҲАТ ОЛАДИ,
ЗЎРАВОНЛИКДАН
ҲИМОЯЛАНАДИ.

«Қурбон» мақомини «қадр»га алмаштириш воситаси, дейиш мумкин.

МАҚСАД
МУАММОНИ
КЎРСАТИШ ЭМАС,
ЕЧИМ ТОПИШ

**Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:**

- Қонунчиликка кўра,
«Аёллар дафтари»га
киритилган хотин-қизларни
қўллаб-



қувватлаш бир қатор йўналишларда амалга оширилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизларнинг бандлиги таъминланади.

Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг тадбиркорликни йўлга қўйиши учун қўмаклашилади.

Ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож, эҳтиёжманд хотин-қизларга бир марталик моддий ёрдам бериш, зарур ҳолларда, сектор раҳбари ҳулосаси асосида оғир турмуш шароитидаги (уй-жойи таъмирлашга муҳтож, бироқ оиласининг моддий имконияти етмайдиган) хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар учун ижара компенсациясини тўлаш, ижтимоий уйларга жойлаштириш, уй-жой билан таъминлаш имконияти ҳам бор. Зарур тиббий ёрдамлар кўрсатилади.

Сектор раҳбари ҳулосаси асосида томорқадан ва деҳқончиликдан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун қўмаклашилади.

«Аёллар дафтари» рўйхатида киритилган барча хотин-қизларга уларнинг мурожаатига асосан ҳуқуқий, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатилади.

Шунингдек, заҳирага қайтарилган ёки янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонлари деҳқон хўжалиги ташкил этган ҳолда сабзавотчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш учун деҳқончилик билан шугулланиш истагини билдирган хотин-қизларга 0,10 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамларда белгиланган тартибда электрон онлайн-аукцион савдолари орқали 10 йилга ижарага берилади. Бунда, электрон онлайн-аукцион савдолари ғолиби



бўлган, «Аёллар дафтари»да рўйхатда турган эҳтиёжманд хотин-қизларга ер участкаси нархини беш йил муддатга тенг улушларда фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилади.

«АЁЛЛАР
ДАФТАРИ»: ЖОРИЙ
ЙИЛ ЯКУНЛАРИ
ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА

Ўзбекистонда бундай тизим 2020 йилда йўлга қўйилди. Бу мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни аниқлаш ва уларни манзилли қўллаб-қувватлаш учун муҳим қадамдир. Унинг асосий мақсади — ишсиз, уй-жой шароити оғир, ногиронлиги бўлган ёки моддий ёрдамга муҳтож хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Айни кунда ҳар бир ҳудудда “Аёллар дафтари” шакллантирилган бўлиб, дафтарга киритиладиган аёлларнинг тоифалар кесимидаги рўйхати ҳамда улар билан ишлаш бўйича “Йўл харита”лари тасдиқланган.

Жорий йилда “Аёллар дафтари”нинг 6-босқичига республика бўйича 1 миллион 22 минг 476 нафар хотин-қиз киритилган бўлиб, бугунга қадар 763 минг 779 нафарига (74,7%) амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Биринчи тоифадаги ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар 634 минг 899 нафарни ташкил этади ва бугунга қадар 518 минг 306 нафар (82%) хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Иккинчи тоифадаги тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд 33 минг 703 нафар хотин-қизга имтиёзли кредитлар ажратилиши белгиланиб, бугунга қадар 21 минг 142 нафар хотин-қизларнинг тадбиркорлик билан шугулланишига қўмаклашилди.

Учинчи тоифа – боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд 129 минг 996 нафар хотин-қизга бир марталик моддий ёрдам кўрсатилиши белгиланган бўлиб, бугунга қадар 87 минг 618 нафар хотин-қизларга моддий ёрдам берилди. 363 нафар хотин-қизнинг уй-жойлари таъмирланди.

Тўртинчи тоифага киритилган ижтимоий

ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд 162 минг 431 нафар хотин-қизлардан 90 минг 138 нафарига ҳам бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. Ушбу тоифадаги уй-жойи таъмирлашга қўмаклашилди. Бешинчи тоифа – уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 4 минг 322 нафаридан 1 минг 771 нафарига (41%) амалий ёрдам берилди. Ижара компенсацияси тўлаб бериладиган 4 минг 60 нафар эҳтиёжманд хотин-қизлардан бугунга қадар 1 минг 672 нафарига (41%) ижара компенсацияси тўлаб берилди.

Олтинчи тоифага мансуб қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин-қизлар 57 минг 125 нафар бўлиб, улардан 44 минг 804 нафарига бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, бу тоифадаги 1 минг 140 нафар аёллардан 849 нафарига томорқадан унумли фойдаланиши учун ёрдам берилди.

ИМКОНияТЛАР
ДАФТАРИ...

2020–2025 йиллар мобайнида республика бўйича 5,1 миллиондан ортиқ аёл “Аёллар дафтари”га киритилган, шулардан 4,2 миллион нафарига амалий ёрдам кўрсатилган.

Бу кўрсаткич тизимнинг фақат қоғозда эмас, амалий йўналишда ишлаётганини англатади. Ҳар бир ҳудудда аёлларнинг эҳтиёжи ўрганилиб, тегишли ёрдам турлари ажратилмоқда.

2024–2025 йилларда “Аёллар дафтари” электрон реестр шаклига ўтказилиб, маълумотлар ижтимоий ҳимоя ягона реестри орқали битта тизимга интеграция қилинмоқда. Бу жараён ёрдамнинг ҳақиқий эҳтиёжмандларга етиб боришини таъминлайди, албатта.

Шунингдек, янги қарорлар билан аёлларга ёрдам бериш тизими “Ёшлар дафтари” ва “Саховат ва қўмак” жамғармалари билан боғланди. Бу орқали бюджет маблағлари самарали тақсимланиши кўзда тутилган. Масалан, 2024 йилнинг биринчи чорагида ушбу дастурлар учун 40,2 млрд сўм ажратилган. Энг муҳими, бу нафақат статистик рўйхат, балки минглаб аёллар ҳаётида

янги саҳифа очган ижтимоий дастурга айланди.

**Дилбар МАМАЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:**

- Олти йилдирки, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ғамхўрлик кўрсатишнинг мукаммал тизими яратилди. Оғир ижтимоий ҳолатга тушиб қолган аёллар учун маҳаллаларда “Аёллар дафтари” шакллантирилиб, ушбу рўйхатга киритилган аёлларга ёрдам бериб келинмоқда. Ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлаш, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ҳамда иштиёқи бўлган, шунингдек, бандлиги таъминланиши керак бўлган хотин-қизларни “Аёллар дафтари”га киритиш ва шу орқали муаммоларни манзилли ҳал этиш чоралари кўрилкоқда.

“Аёллар дафтари” дастурининг дастлабки босқичларида асосий эътибор моддий ёрдамларга қаратилган бўлса, кейинги йилларда барқарор даромад манбаи яратиш ва аёлларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга алоҳида урғу берилмоқда. Бу эса давлат сиёсатининг ижтимоий ёрдамдан иқтисодий фаолликка ўтиш босқичини англатади.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ахборот хизмати маълумотларига кўра, 2020 йилдан бошлаб, 2025 йилнинг 6 ойи давомида “Аёллар дафтари”га 5 миллион 178 минг 206 нафар хотин-қиз киритилиб, улардан 4 миллион 280 минг 381 нафарига амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Демак, “Аёллар дафтари” нафақат ижтимоий ёрдам тизими, балки минглаб хотин-қизларнинг тақдирини ўзгартирган, уларга ишонч ва янгича ҳаёт бошлаш имконини берган инсонпарвар ташаббусга айланиб улгурди. Бундай кўрсаткичлар нафақат иқтисодий самара, балки ижтимоий барқарорлик, оилаларда даромаднинг ошиши, фарзандлар таълимнинг яхшилланишига ҳам хизмат қилади.

Минглаб аёллар бу дафтар орқали янги ҳаёт бошлади: кичик бизнес очди, касб эгаллади, фарзандларига намуна бўлди. Бу нафақат уларнинг шахсий ютуғи, балки бутун жамиятнинг ютуғидир.

**Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.**

ШУКУҲЛИ КУНЛАРГА ШУКРОНА ҚИЛМОҚ КЕРАК

– дейди юз билан юзлашган Менгнор момо

Табаррук ёшли инсонлар билан дийдорлашишнинг ўзига хос гашти ва сурури бор. Уларнинг тимсолида ўтмишни англаш мумкин. Сурати-ю сийратида келажак мужассамлашгандек. Умр йўллари ҳайратингизни оширса, гурунгларидан завқ-шавқ олишингиз табиий.



ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Қўмқўрғон туманининг “Сурхон соҳили” маҳалласида яшовчи 100 ёшли Менгнор момо Назарова ҳам ана шундай замондошларимиздан бири. Икки асрнинг гувоҳи бўлган пир-у бадавлат онахон билан бир мuddат гурунглашдик.

– Аслида тўғиз авлодиданмиз, – суҳбатни бошлайди Менгнор момо оғир ўйга чўмган ҳолда. – Отамни Назар бобо, онамни эса Холбиби момо, дердилар. 1925 йилнинг баҳорида (10 май куни) Бойсун туманининг “Кофрун” қишлоғида туғилган эканман. Оилада уч нафар фарзанд бўлганмиз – икки қиз ва бир ўғил. Афсуски, улар эрта оламдан ўтишган...

Беғубор болаликни кўрмаганман. Шўх-шодон дамларни эслолмайман. Олти ёшга етганда отам вафот этган бўлса, орадан саккиз йил ўтгандан кейин (14 ёшга етганда) онаизорим бу дунёни тарк этди. Шундан кейин Зайнаб холам (жойлари жаннатда бўлсин) қарамоғида қолдим.

Бошимдан не бир қаро кунлар ўтмаган, дейсиз. Тонг отгандан шом қоронғусигача меҳнат қилардик. Пахта териш, қўй боқиш, ариқ қазиш, ғалла экиш, сув қўйиш, бўғдой ўриш, хуллас, уй-рўзгор юмушларидан тортиб, қўни-қўшилар ишига ҳам ёрдам қилганмиз.

Тўғрисини айтсам, ўтмишда “сеники-меники”, дегич гаплар бўлмаган. Буни эркак киши қилиши керак, рўзгор юмушлари қиз-жувонлар зиммасида дейилмаган ҳеч қачон. Ҳамма бирварақайига ва ёппасига

киришиб кетаверарди. Одамлар ниҳоятда меҳр-оқибатли, ўта диёнатли ва жуда баҳамжиҳат эди. Инсонийлик доим қадрланган.

Қирғинбарот дамлардан илгариги қаҳатчилик халқни бутунлай ҳолдан тойдиргани етмагандек, қора кунлар қўланка соя солаётганини англаб турарди кўпчилик. Эл-улус ҳадик ва кўрқувда яшаганини яхши эслайман. Уруш бошланганида эса 16 ёшда эдим. “Қиёмат-қойим” қандай бўлишини ўшанда кўрганман. Оталар изтироби, оналар фарёди ва фарзандлар ноласини эсласам кўзларимга ёш келади.

Ўша даврда “Кофрун”даги аҳвол янада мураккаблашди. Оилалар бошига чидаб бўлмас кулфатлар қўланка ташлагани аччиқ ҳақиқат. Навқирон йигитларнинг жувонмарг бўлгани камлик қилгандек, вояга етмаган ёшлар ёппасига урушга жалб қилинди. Фронт ортидагилар бир парча қора нон ёки бир коса атала учун тунни тонгга “улашга” мажбур эди. Иш ҳақи умуман берилмаган. Асосий мақсад қорин тўйдириш ва тирик қолиш бўлган, холос. Бундай кўргулик ва жабр-у жафолар етмагандек, кунда-кунора қора хат келарди. Юракларни ўртовчи йиғи, азоб берувчи ох-у нола ва чидаб бўлмас дод-фарёдлар оламни тутарди, гўё...

Иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳам аҳвол ўнгангани йўқ. Ҳаёт ўша-ўша – эски ҳаммом, эски тос қабилида эди. Амал-тақал қилиб кун кечирардик. Тинка-мадори

қуриган эл қурилиш ва мардикорликка жўнатилди. Ёппасига колхозлаштириш ва совхозлаштириш бошланди. Пилла, ғалла, пахта етиштириш авж олди. Одамлар қора нон, атала, угра, ёвғон шўрва, сут-қатиқ билан жон сақлашга мажбур бўлган. Баҳорга – кўкка етишни орзу қилардик. Ноилоҳликдан қайнатилган қоқи ўт ёки исмалоқ еганимизни ҳозиргача эслайман...

Ҳаётнинг ўзига хос қувонч ва ташвишлари бор, дейдилар. Урушдан кейин кўп ўтмай – 1949 йилнинг эрта баҳорида Бегим Маматқулов билан никоҳ тўйимиз бўлди. Ниҳоятда бахтли эдик ўша паллалар. Олижаноб, меҳрибон, саҳий, оилапарвар инсон эдилар турмуш ўртоғим. Орадан икки йил ўтар-ўтмас, Шўрчи туманининг “Далварзин” маҳалласига кўчиб келдик. Бирин-кетин фарзандлар дунёга келди. Олти қиз ва бир ўғилни вояга етказдик.

Ўтган асрнинг 70 йилларидан кейин Қўмқўрғонда яшай бошладик. Фарзандларимнинг отаси қирқ йилга яқин ирригация тизимида меҳнат қилди. Бир йигитга қирқ хунар ҳам оз, деганларидек қорвачилик, боғдорчилик, паррандачилик, балиқчиликка қизиқарди. Хунарамдчилик ва косибчилик сирларини мукаммал ўрганганди.

Йигирма сотихга яқин томорқадан унумли фойдаланганмиз. Помидор, бўлғор қалампири, бодринг, бақлажон, аччиқ қалампир каби озиқ-овқат

ва сабзавот маҳсулотларидан тортиб, олма, анор, шафтоли, ўрик меваларигача ўзимиздан чиққан. Сут, қатиқ, тухум, гўшт сотиб олинмаган. Хуллас, ҳалол меҳнат туфайли, рўзгорлар обод, турмуш фаровон, кўнгиллар хотиржам.

Фарзандларимнинг отаси 2001 йил 11 декабрь куни оламдан ўтди. Аждодлар бошлаган хайрли ишларни бугун авлодлар давом эттирмакда. Миллат келажаги бўлган ўғил-қизларни кўриб кўзларимга севинч ёшлари келади. Ҳеч кимдан кам бўлмаган дилбандлардан фахрланаман.

– Момо, икки асрнинг гувоҳи бўлибсиз, – савол бераман нурунийга. – Хўш, узоқ умр кўришнинг сири нимада.

– Тўғриси айтсам, баракали ҳаёт учун, аввало, кўнгил хотиржамлиги керак, – давом этади Менгнор момо. – Ҳалоллик ва поклик муҳим ўрин тутди. Тўғри овқатланиш одатга айланиши шарт. Спорт билан шуғулланиш кони фойда. Энг асосийси эса жисмоний меҳнатдир. Ишонасизми-йўқми, қирқ йилга яқин пилла боқдим. Қарийб ярим аср пахта териб, ғалла ўрганмиз. Қирқ-эллик бош чорва боқиб, томорқа ишларини эплардик. Тандирда нон ёпиш, ўчоқда овқат пишириш, тоғорада кир ювиш билан бир қаторда фарзандлар тарбиясигача аёллар заммасида бўлган. Ҳаракатга

– баракат, деганларидек шунинг учун ҳам юз ёш билан юзлашгандирман...

– Тезкор даврда яшаяпмиз. Замон шиддат билан ривожланмокда. Глобаллашув жараёнида ахборот технологиялари узоғимизни яқин, мушқуллимиз осон қилмокда. Эртанимиз эгаларига қандай маслаҳат берган бўлардингиз?

– Ҳар бир киши етти авлодини мукаммал билиши керак, – дейди суҳбатдошимиз хуш кайфиятда. – Ота-боболар анъанасини давом эттириш ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланади. Иккинчидан, ўғилдир-қиздир илмни бўлгани афзал. Касб-хунар эгаллагани дуруст. Шундагина оилада тинчлик-хотиржамлик ҳукм суради. Рўзгордан фэйз-у барака ва ризқ-наслаба аримаслиги табиий.

Яна бир гапни атай, Яратганга шукр, ўтмишнинг қора кунлари ортада қолди. Дориломон кунларга етдик. Истиқлол насимларидан баҳраманд бўлаяпмиз. Ўсиш, ривожланиш ва тараққиётни ҳаётимизда ҳис қиляпмиз. Ана шундай ёруғ ва нурафшон кунларимиз бардавом бўлсин.

Пир-у бадавлат инсон ҳузуридан қайтар эканмиз, юрт тинчлиги ва дастурхонлар тўқинлиги йўлида қайта-қайта дуога қўл очилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

ХОРИЖ

Чили: янги президент сайланди



“Al Jazeera” нашрининг ахборотига кўра, Чилида ўтказилган президентлик сайловида Хосе Антонио Каст ғалаба қозониб, ҳозирда ҳукмронлик қилаётган марказий сўл ҳукуматни доғда қолдирган.

Маълумотларга кўра, ушбу сайловнинг иккинчи турида Каст 58 фоиз овоз олган. Унинг асосий рақиби

ўлка меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазири лавозимида ишлаган Коммунистик партия аъзоси Жанет Хара эса 41,70 фоиз сайловчининг қўлловига эга бўлган.

Сайлов бюллетенлари ҳисоблаб чиқилганидан сўнг, Коммунистик партия аъзоси Жанет Хара ва унинг “Чили учун бирлик” коалицияси мағлубиятни тан олган.

Шундан сўнг, Каст ўз нутқида бу шахсий ютук ҳам, партия ютуғи ҳам эмас, бу демократиянинг ғалабаси, дея таъкидлаган.

Каст сайловолди кампаниясида мамлакатдаги 300 мингдан ортиқ ноқонуний мигрантларни чиқариб юбориш, Чилининг шимолий чегарасини янги тўсиқлар билан мустаҳкамлаш ҳамда ички хавфсизликда армиянинг ролини кенгайтиришни ваъда қилган. Шу билан бирга, у дастлабки 18 ой ичида давлат харажатларини 6 миллиард долларга қисқартиришни таъкидлаган.

Австралия: ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАН Фойдаланишга тақиқ қўйилди

Маълумот учун, Австралияда 10 декабрдан бошлаб 16 ёшга тўлмаганлар учун ижтимоий тармоқлардан фойдаланишга тақиқ кучга кирди. Бу ўсмирларнинг ижтимоий тармоқларга киришини бутунлай чеклайдиган дунёдаги биринчи қонундир. TikTok, Snapchat, YouTube, Facebook ва Instagram каби 10 та йирик платформа тақиққа учради. Болалар ва ўсмирларнинг профиллари ўчирилмайдиган ижтимоий тармоқлар эгаларига 50 миллион Австралия долларигача (33 миллион АҚШ доллари) жарима солинадиган бўлди.

Австралия ортидан Дания ҳукумати 15 ёшгача бўлган болаларнинг ижтимоий тармоқларга киришини чеклаш ниятида эканини маълум қилди. Бу бўйича қонун 2026 йил ўрталаридаёқ қабул қилиниши кутилмокда.

Шундан сўнг, ЮНИСЕФ Австралияда ўсмирлар учун ижтимоий тармоқларнинг тўлиқ тақиқланиши фониди онлайн маконда болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун ёш чекловлари етарли бўла олмаслигини таъкидлади. Ташкилот, шунингдек, кенгрок ҳимоя стратегиясини қўллашга чақирди.

“ЮНИСЕФ дунёда рақамли муҳитда болаларни ҳимоя қилиш мажбурияти ортиб бораётганини олқийлайди, бироқ бундай тақиқлар хавф туғдиради ва акс таъсир кўрсатиши мумкин”, – дейилади ташкилот баёнотида.

Жамғарманинг таъкидлашича, ижтимоий тармоқлар



кўпчилик, айниқса, изоляция қилинган ва маргинал болалар учун ўзига хос “қутқарув доираси” бўлиб, уларга таълим олиш, мулоқот қилиш, ўйнаш ва ўзини намоён қилиш имконини беради. Бундан ташқари, ЮНИСЕФнинг қўшимча қилишича, кўплаб болалар ижтимоий тармоқлардан – “VPN” ёки камроқ тартибга солинадиган платформалардан фойдаланишда давом этаверади, бу эса уларни ҳимоя қилишни янада қийинлаштиради.

Хитой: СУНЪИЙ ЙЎЛДОШЛАРНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ УЧИРДИ

“РИА Новости” нашри ахборотига кўра, ХХРнинг шимоли-ғарбий қисмидаги Ганьсу вилоятидаги “Цзюцюань” сунъий йўлдош учуриш марказидан Хитой орбитага иккита сунъий йўлдошни муваффақиятли учирган. Учиш шанба куни эрталаб амалга оширилган.

Учиш мосламаси “Диэр-5” тадқиқот космик кемаси ва “Сиван-5-2” сунъий йўлдошини белгиланган орбиталарга жойлаштирган.

Маълумот учун, Хитой Аэрокосмик фан ва саноат корпорацияси (CASIC) таркибига кирувчи “Куайчжоу-11” ракетаси бир тоннагача юкни 700 километр баландликдаги қуёш-синхрон орбитага қўйишга қодир. Ушбу турдаги ракеталар асосан тижорат максадларида учуриш учун мўлжалланган.

Интернет материаллари асосида
Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.



MUASSIS:		O'zbekiston Ovozi		Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA		Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.	
		Tahrir hay'ati:		MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3		Navbatchi: Ravshan SHODIYEV	
Ulug'bek INOYATOV		Gulliston ANNAQILICHEVA		Телефонлар: (71) 239-12-14		Г — 1237. 1573 nusxada bosildi.	
Ulug'bek VAFOYEV		Muslihiddin MUHIDDINOV		Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru		Nashr ko'rsatkichi — 220.	
Maqsuda VORISOVA		Olim RAVSHANOV		«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.		t — Tijorat materiallari	
Qalandar ABDURAHMONOV		Toshtemir XUDOYQULOV		Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.		1 2 3 4 5 6	
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI				Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.		Sotuvda kelishilgan narxda	
				Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.			